



## Буюк ва муқаддассан, муस्ताқил Ватан!

Яқинда газеталар таҳламини арақлаётган, Президентимиз Ислам Каримовнинг 1991 йил 19 ноябрда Ўзбекистон Республикаси парламент сессиясида сўзлаган нуқтадаги қуйидаги сатрларни ўқидим:

“...Одамлар уй-жой олишсин, ноз-неъматлар етиштирсин, даромад қилсинлар, бой бўлсинлар, ўшанда давлат бой бўлади, ўшанда давлат ҳақиқий давлатга ўхшайди.”

Ўша пайтда айримлар бу гаплар ижобатини тасаввур қилолмаган бўлиши мумкин. Аммо бу фикрлар нақадар асосли ва тўғри эканини тарихан қисқа муддатда мамлакатимизда амалга оширилган улкан янгиланиш ва ўзгаришлар мисолида, шу муқаддас юртда яшаётган ҳар бир инсон ҳаёти, турмуши, онгу тафаккуридаги ўзгаришларда кўряпмиз.



### ДОРУЛАМОН КУНЛАР ШУКУҲИ

Яқинда кўп қаватли уйимизга бақамти мўъжазгина дўкон қурилди. Ёш бола учун кизиқ-да, икки фарзандим ҳар кун ишдан қайтганимда янги дўконга чиқишга шайланиб туради. Теласига «Minimarket» деб ёзилган бўлса-да,

дўкон бир дунё нарсани сиғдирган. Фарзандларим бир-бирдан чиройли қоғозларга ўралган ва қадоқланган ширинликлардан қайсисини танлашни билмай шошиб қолади.

Сотувчи йигит — Азизнинг айтишича, ҳозир дўконда 86 турдаги озиқ-овқат маҳсулоти харидорларга тақдим эти-

лаётган экан. Уларнинг орасида ўзимизда ишлаб чиқарилгани қанча, деб сўрасам, у кулимсираб, ҳаммаси ўзимизда чиққан, сифати кафолатланган, деди.

Бир донна шоколадни олдим: маза-си зўр! Қоғозини ўқийман: “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган. “Шарф-ширин” савдо белгиси”. Сотувчи шу савдо белгиси билан чиқётган яна савкиз хил шоколад ва қандолат маҳсулотларини кўрсатди.

Бу кичкина бир «Minimarket» даги ҳолат. Агар буни «Supermarket» ёки «Gipermarket» каби замонавий дўконлар билан солиштирсан, у ердаги маҳсулотлар тури ва сони, харид қилиш имкониятини тасаввур қилиш қийин эмас. Энг муҳими, уларда сотилаётган маҳсулотлар асосан ўзимизда — Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган.

— 25 йилдан буюн сотувчи бўлиб ишлайман, — дейди пойтахтлик Собир Турғунов. — Илгари фақат уч хил конфет бўларди. У ҳам неча вақт оғирларда сақланиб, истеъмолга деярли яроқсиз ҳолда сотувга чиқариларди. Собик тузумнинг сўнгги йилларида дўконлардан оддий кундалик маҳсулотлар — совун, туз, ҳатто гугурт ҳам узилиб қолди. Одамларнинг кун бўйи на-вбатда туриши, маҳсулотлар жон боши-

га чегараланган миқдорда сотилиши — булар ҳозир кўпчилик учун эртақдек. Ўша пайтларда урф бўлган “Ким охири?” — деган ибора бугун унутилди. Чунки бугун ҳар қандай маҳсулотнинг ўнлаб тури мавжуд, харидорда ўзи учун энг мақбулини танлаш имконияти бор.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида келтирилган қуйидаги рақамлар ҳам буни тасдиқлайди: кейинги ўн йилда, яъни 2000 йилга нисбатан таққослаганда, 2010 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,7 баробар ошди. Харид имкониятлари мутаносиблигини ҳисобга олган ҳолда санаянда, ялпи ички маҳсулотнинг 2010 йилда 2000 йилга нисбатан ўсиши 2,6 бараварни ташкил қилди.

Буларнинг барчаси иқтисодиётимизнинг юқори суръатлар билан барқарор ўсиб бораётгани ва мамлакатимизда рўй бераётган улкан ижобий ўзгаришлардан далолатдир.

(Давоми тўртинчи бетда)



#### Fuqarolik qonunchiligi

### Нотариат институтининг такомиллашуви жамият равнақига хизмат қилади

Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳар бир демократик давлат фаолиятининг бош мезони ҳисобланади. Эътиборли томони шундаки, мамлакатимизда фуқароларнинг мулкий ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг асосий йўналиши сифатида эътироф этилади. Ушбу муҳим вазифани амалга оширишда нотариат идораларининг ҳам алоҳида ўрни бор.

(Давоми иккинчи бетда)

Йўлларда транспорт воситалари қатнови йилдан-йилга гавжумлашиб бормоқда. Бу ўз-ўзидан йўл ҳаракати хавфсизлиги қондаларига қатъий амал қилишни тақозо этади.

#### Munosabat

### Қоидага амал қилган қоқилмайди

Айтиш керакки, кейинги йилларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида қонун ҳужжатларига зарур қўшимча ва ўзгаришлар киритилди. Чунончи, машина ҳайдашда ва йўловчилар ташишда хавфсизлик камарини тақмаслик, транспорт воситасини бошқариш вақтида уяли телефондан фойдаланиш, транспорт воситасига ўзбошимچлик билан монитор ўрнатиш, транспорт воситалари эгаларининг маж-

бурий сугурта тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузиш сингари ҳолатлар юзасидан маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Албатта, транспорт бошқарув тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузиш сингари ҳолатлар юзасидан маъмурий жавобгарлик белгиланди. Албатта, транспорт бошқарув тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини бузиш сингари ҳолатлар юзасидан маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Афсуски, баъзи ҳайдовчиларнинг ушбу қоидаларга амал қилмаслиги оқибатида турли автоҳалокатлар содир бўлмоқдаки, бунинг оқибатида фуқаролар соғлиғига, мулкига зиён етмоқда. Айтиш керакки, яқинда қабул қилинган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун айни шу мақсадга хизмат қилади.

(Давоми учинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, судьялар, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

#### Xabar

### Ўзбекистон Республикаси Олий судида



Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б.Мустафоев бошқарган мажлисида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида муस्ताқиллик йилларида мамлакатимизда қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш қўла-ми кенгайтириб, самарадорлиги янада ортиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичида бу борадаги ишларни янада кучайтириш долзарб вазифалардандир.

Пленумда “Судлар томо-

нидан никоҳдан ажратишга оид ишларни кўришда қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарор лойиҳаси муҳокама этилди.

Мамлакатимизда жамиятнинг муҳим бўғини бўлган оилаларни қўллаб-қувватлаш, ҳар томонлама ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Оиланинг негизи мустаҳкам ҳуқуқий асосларга эга. Жумладан, Бош қомусимизда қайд этилганидек, оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофаза-сида бўлиш ҳуқуқига эга.

(Давоми иккинчи бетда)

#### Yangi qonun mohiyati

### Жамиятда ахборотнинг беқиёс аҳамияти

#### бу борадаги қонунчилик асослари янада такомиллаштирилмоқда

Маълумки, бутунги глобаллашув жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари орқали узатиладиган ахборот жамият ривожининг энг муҳим омилларидан бири бўлиб, у ишлаб чиқариш ресурси, одамлар орасидаги муносабатларни таъминловчи қудратли воситага айланди. Шу боис давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, умуман, жамиятнинг ахборот узатиш тезлиги ҳамда сифатига бўлган талаби ошириб бормоқда десак, муболағча эмас.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини жадал суръатларда тараққий эттириш, соҳа ривожига бўйича жаҳон андозалари даражасига чиқиш иқтисодиётимизда амалга ошириладиган тарихий ўзгаришлар ҳамда иқтисодий ислохотларнинг устувор жиҳатларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, бу йўналиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бўлган республикамизни ахборотлашган жамиятга айлантириш учун хизмат қилиш боробарида, мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсишида ўзига хос етакчи тармок сифатида алоҳида ўрин тутди.

Шу тўғрисида ҳам давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятини ахборотлаштириш

мақсадида, уларни компьютер техникаси, локал ҳисоблаш ва корпоратив компьютер тармоқлари билан жиҳозлаш бўйича савий-ҳаракатлар қўлами янада кенгайтирилиб, республикамиз бўйича компьютер техникаси билан таъминланиш даражаси тобора ўсиб бормоқда. Давлат бошқаруви органларида локал ҳисоблаш тармоқларини яратиш ишлари яқунда етиб қолган бўлса, корпоратив компьютер тармоқлари яратиш ишлари ҳам жадал суръатларда олиб борилаётган.

(Давоми иккинчи бетда)





